

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтишини холисона ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловнинг ўтишини холисона ёритиб бориш бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иловага мувофиқ аккредитациядан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н. Нурматов) аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун белгиланган намунадаги гувоҳномалар (бейжиклар) тайёрлашни ва уларга топширилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 сентябрь,
№ 741.